

ТАРИХИЙ ОБИДАЛАР ЗИЁРАТИ ДАВРИДА САЁХАТЧИЛАРНИ БАХТСИЗ ХОДИСАЛАРДАН СУҒУРТА ҚИЛИШ БЎЙИЧА ОММАВИЙ ОФЕРТА

“KAFOLAT sug‘urta kompaniyasi” AJ – тарихий обидаларни зиёрат қилиш даврида фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш қоидаларининг полисни расмийлаштириш санасида амал қилган таҳрири асосида тайёрланган.

Суғурталовчининг реквизитлари: Тўлиқ номланиши:

“KAFOLAT sug‘urta kompaniyasi” AJ Aksiyadorlik jamiyati

Почта манзили:

Ўзбекистон Республикаси, 100000, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шох кўчаси 13А-уй. Электрон почта манзили (расмий Интернет-ресурс/электрон почта): www.kafolat.uz, info@kafolat.uz

Давлат рўйхатига олиш тўғрисида маълумот:

Компания Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил 19 июнда рўйхатдан ўтказилди, реестр рақами 999.

Лицензия тўғрисида маълумот:

Лицензия: №960718 серияли, Ўзбекистон Республикаси Истикболли лойиҳалар миллий агентлиги томонидан 2025 йил 13 августда берилган.

Ушбу Оммавий оферта (кейинги ўринларда – “Оферта”) «KAFOLAT sug‘urta kompaniyasi” AJ (кейинги ўринларда – Суғурталовчи) томонидан ноаниқ жисмоний шахслар доирасига (кейинги ўринларда Суғурта қилдирувчи) қуйидаги шартларда, Суғурталовчининг ахборот тизимлари орқали тарихий обидаларни зиёрат қилиш даврида фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш тўғрисидаги шартномани (кейинги ўринларда – суғурта Шартномаси) тузиш тўғрисида қилинган таклифидир. Шартноманинг Томонлари бўлиб Суғурталовчи ва Суғурта қилдирувчи ҳисобланадилар.

Ушбу Оферта шартларини қабул қилиш ва белгиланган суғурта мукофотини тўлаш унинг шартларини акцептлаш ва суғурта Шартномасини тузиш учун Суғурта қилдирувчининг розилиги ҳисобланади. Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти тўланганлиги тасдиқлангандан сўнг, унга электрон почта орқали ёки мақбул усулда суғурта полисининг электрон ҳужжати юборилади ва суғурта Шартномаси тузилган ҳисобланади.

Ушбу Оферта шартларига мувофиқ ушбу Офертада Суғурталанган тарихий обидаларни зиёрат қилиш даврида фуқароларнинг саломатлиги ва ҳаёти билан боғлиқ бўлган мулкый манфаатлари суғурта объекти бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 370-моддасига мувофиқ ушбу Оферта шартларини сўзсиз қабул қилиш (акцептлаш) Оферта шартларини Қабул қилиш деб ҳисобланади, ва бу билан қуйидагиларга розилик билдирилади:

- ушбу Оферта шартлари, шу жумладан унда кўрсатилган суғурта қилиш шартлари;

- аризани тўлдиришда кўрсатилган шахсга доир маълумотларга ишлов бериш учун, шу жумладан йиғиш, тизимлаштириш, тўплаш, сақлаш, аниқлаштириш, фойдаланиш, эгасизлантириш, блокировка қилиш, йўқ қилиш (йўқ қилиш тўғрисида хабар бермасдан), автоматлаштирилган ёки автоматлаштирилмаган усулда ишлов бериш орқали 1 йил муддатга суғурта фаолиятини амалга ошириш мақсадида, шунингдек суғурта Шартномасини бажариш мақсадида, ички иш юритишни учинчи шахсларга топшириш.

Ушбу Оферта шартларида Суғурталовчи билан суғурта Шартномасини тузган муомалага лаёқатли жисмоний шахслар, Ўзбекистон фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида доимий ёки вақтинча яшайдиган чет эл фуқаролари Суғурта қилдирувчи бўлиши мумкин.

Суғурта қилдирувчи ўз ҳуқуқи ва муомала лаёқатини тасдиқлайди, шунингдек Суғурталовчининг Интернет-ресурси орқали суғурта Шартномасини тузиш натижасида ўзига юклатилган мажбуриятлар учун жавобгарликни англайди.

Суғурталовчининг Интернет-ресурсида суғурта Шартномасини онлайн режимида тузиш учун Суғурта қилдирувчи электрон почта манзили ва ёки мобил телефон рақамига эга бўлиши шарт.

Суғурталаш учун ариза бўлиб Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчининг Интернет-ресурсида суғурта Шартномасини тузиш учун зарур ва аҳамиятли бўлган барча маълумотларни киритиш ҳисобланади.

Суғурталовчи Ўзбекистон Республикаси “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 26-моддаси талабларига мувофиқ Суғурта қилдирувчи ва суғурта Шартномасида кўрсатилган бошқа жисмоний шахсларнинг шахсга доир маълумотлари ҳавфсизлигини ва ошқор қилинмаслигини таъминлаш мажбуриятини олади. Кейинги ўринларда матнда келтирилган “Оферта”, “Суғурта шартномаси” ва “Суғурта полиси” ҳаволалари ушбу электрон ҳужжатга нисбатан бир хил маънога эга.

Мазкур тарихий обидаларни зиёрат қилиш даврида фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш бўйича оммавий оферта (кейинги ўринда Оферта) Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси, “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан берилган лицензия ва бошқа амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, тарихий обидаларни зиёрат қилиш даврида фуқароларни бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилиш шартларини белгилайди.

Суғурталанган тарихий обидаларни зиёрат қилиш даврида фуқароларнинг саломатлиги ва ҳаёти билан боғлиқ бўлган мулкий манфаатлари суғурта объекти бўлиб ҳисобланади.

Суғурталовчи, Суғурта қилдирувчи, Суғурталанган шахс ва Наф олувчи шахслар суғурта субъектлари бўлиб ҳисобланади.

I. Умумий шартлар.

Ушбу Офертада ишлатиладиган айрим атамалар қуйидаги маънони англатади:

Суғурталовчи – Суғурта шартномасига асосан суғурта таъминотини тўлаш мажбуриятини олган юридик шахс – “КАFOLAT sug'urta kompaniyasi” АЖ.

Суғурта қилдирувчи – Ушбу Офертага биноан, ўзининг ёки учинчи томоннинг мулкий манфаатларини суғурта қилдирувчи юридик ёки жисмоний шахс.

Суғурталанган шахс – Офертада/суғурта полисида кўрсатилган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарихий обидаларни зиёрат қилиш даврида фуқарони, ҳаёти ва соғлиғи билан боғлиқ бўлган мулкий манфаатлари суғурта қилинган жисмоний шахс.

Наф олувчи – Офертага биноан суғурта таъминотини олувчи сифатида Суғурта қилдирувчи томонидан тайинланган жисмоний ёки юридик шахс. Агар Офертада Наф олувчи кўрсатилмаган бўлса, Суғурталанган шахс вафот этган тақдирда Наф олувчи сифатида Суғурталанган шахснинг қонуний меросхўрлари тан олинади.

Суғурта полиси - Суғурталовчи мажбуриятларининг кучга кирганини тасдиқлайдиган ва Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини тўлаганидан кейин унга бериладиган ҳужжат.

Бахтсиз ҳодиса – Суғурталанган шахс/фуқаро тарихий обидаларни зиёрат қилиш даврида хоҳиш - иродасига боғлиқ бўлмаган ҳолда, бехосдан, қисқа вақт ичида ташқаридан инсон танасига таъсир этиб шикастловчи ва/ёки ўлимига олиб келувчи ҳодиса.

Суғурта ҳодисаси – Ушбу Офертада кўзда тутилган воқеадир. Суғурта ҳодисаси содир бўлганда Суғурталовчида Суғурталанган шахсга/Наф олувчига суғурта таъминотини тўлаш мажбурияти пайдо бўлади.

Суғурта суммаси (пули) – Суғурталовчининг Офертага мувофиқ Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи олдидаги мажбуриятларининг энг юкори ҳажмини ифодаловчи суммаси.

Суғурта таъминоти - Суғурталовчи томонидан суғурта ҳодисаси юз берганда, Суғурталанган шахсга соғлиғини тиклаш учун суғурта суммаси (пули) доирасида тўланадиган пул миқдори.

Суғурта тарифи – суғурта суммасига нисбатан суғурта мукофотини аниқлаш нормативи. Суғурта пулининг ҳажмига нисбатан мутлақ пул кўринишида ёки суғурта пулидан фоиз ҳисобида белгиланади.

Суғурта мукофоти – Суғурта қилдирувчи томонидан Суғурталовчига тўлаши шарт бўлган суғурта учун тўлов.

Суғурта муддати – суғурта объектининг суғурта қилинган вақт оралиғи.

Географик ҳудуд - Суғурталовчининг мажбуриятлари амал қиладиган ҳудуд.

II. Суғурта ҳодисаси.

2.1. Мазкур Офертага кўра, Суғурталанган шахс (Фуқаро) билан Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарихий обидаларни зиёрат қилиш даврида рўй бериши мумкин бўлган бахтсиз ҳодисалар натижасида вафот этиши ва/ёки жароҳатланиши суғурта ҳодисаси деб ҳисобланади.

III. Суғурта ҳодисаларидан истиснолар.

3.1. Қуйидагилар натижасида юзага келган ҳодисалар суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:
- Суғурталанган шахснинг (Саёҳатчининг) ўзини - ўзи ўлдириши ёки ўзини - ўзи ўлдиришга қасд қилиши (Суғурталанган шахснинг (Саёҳатчининг) учинчи шахсларнинг хатти-ҳаракатлари туфайли ўзини-ўзи ўлдиришга мажбур бўлиши бундан мустасно, бундай ҳолатни суд аниқлайди);

- Суғурталанган шахснинг (Саёҳатчининг) атайлаб ўзига тан жароҳатлари етказиши;

3.2. Суғурта қилдирувчи, Суғурталанган шахс (Саёҳатчи)/Наф олувчи қуйидаги ҳаракатларни содир этганда суғурта ҳодисаси деб тан олинмайди ва у бўйича тўловлар амалга оширилмайди:

- Суғурта ҳодисаси содир бўлганлиги ҳамда унинг оқибати билан ҳодиса ўртасидаги узвий боғланишни аниқлаш учун зарур бўлган суғурта ҳодисаси содир бўлганлигини тасдиқловчи тегишли ҳужжат ва маълумотларни тақдим этмаса ва/ёки атайлаб ёлғон маълумотни тақдим этса;

- Суғурталовчига ваколатли бўлган шифокор-экспертнинг жабрланган шахсни кўздан кечириши учун имкон бермаса.

3.3. Қуйидаги ҳолларда суғурта таъминотини тўлаш рад этилади:

- Суғурталанган шахс (Саёҳатчи) томонидан спиртли ичимлик, гиёҳванд ёки захарли (психотроп) моддалар таъсирида маст ҳолатда содир этилган хатти - ҳаракатлар.

- Суғурталанган шахс (Саёҳатчи) тўғрисида ёлғон маълумотлар берилган бўлса;

- Суғурталанган шахс (Саёҳатчи) томонидан дам олиш масканлари ҳудудида бўлиш қоидаларига (кўрсатмаларига) риоя этмаган бўлса;

- Суғурталанган шахс (Саёҳатчи) томонидан дам олиш масканлари ҳудудида таклиф қилинган хизматлардан (канатка, атракцион, чанғи, квадрацикл, от миниш, делта план, сузиш, сув транспорти ва сув транспорти ёрдамида ҳаракатланувчи мосламаларда ва ҳ.к.) фойдаланиш, эксплуатация ва техника хавсизлиги қоидаларига риоя этмаганда;

- Бахтсиз ҳодиса Суғурталанган шахс (Саёҳатчи) томонидан дам олиш масканлари ҳудудида пиротехника воситаларидан фойдаланиш оқибатида содир бўлганда;

- Бахтсиз ҳодиса юз берганлиги ҳақидаги хабар Суғурталовчига ўз вақтида (суғурта шартномасида/полисида кўрсатилган муддатда) етказилмаса Суғурталовчи суғурта таъминотини/пулини тўламаслик ҳуқуқига эга;

- Ушбу Офератнинг 8.3. ва 8.4. бандларида кўрсатилган ҳужжат ва маълумотлар тақдим этилмаган бўлса.

IV. Суғурта суммаси (пули), Суғурта мукофоти ва уни тўлаш тартиби.

4.1. Суғурта пули суғурталовчининг мажбуриятларининг энг юқори ҳажмини ифодаловчи суммаси бўлиб, 5 000 000 сўмни ташкил этади. Суғурта мукофоти миқдори 30 000 сўм.

4.2. Суғурта шартномаси (полиси) бўйича суғурта мукофотини тўлаш Суғурталовчи томонидан қўлланиладиган электрон тўлов тизимларидан фойдаланиш орқали амалга оширилади (онлайн);

4.3. Тўлов тизимининг ҳимояланган каналига кейинчалик йўналтириш учун аризани қабул қилишни тасдиқлаш Суғурта қилдирувчи томонидан аризани тўлдиришда кўрсатилган мобил телефон рақамига Суғурталовчи томонидан СМС-хабар юборилиши орқали амалга оширилади;

4.4. Тасдиқлаш коди бўлган СМС-хабарни олганидан сўнг, Суғурта қилдирувчи электрон тўлов тизимини танлаши керак, шундан сўнг у танланган тўлов тизимининг веб-сайтига суғурта мукофотининг ҳисобланган миқдорини Суғурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказиш учун автоматик равишда йўналтирилади;

4.5. Суғурта полиси бўйича суғурта мукофотининг тўланганлиги тўғрисидаги тасдиқни олгандан сўнг, Суғурталовчининг ахборот тизими автоматик равишда суғурта полисини электрон шаклда расмийлаштиради, уни Суғурта қилдирувчининг электрон почта манзилига юборади, кейинчалик Суғурта қилдирувчини суғурта полиси серияси ва рақами тўғрисидаги ва суғурта полиси электрон тарзда юборилганлиги тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган СМС-хабарни юбориш орқали хабардор қилади;

4.6. Суғурталовчи тўлов Провайдерининг ҳаракатлари/ҳаракатсизлиги, шунингдек Суғурта қилдирувчининг электрон тўлов тизими ва Интернет орқали тўлов билан боғлиқ ҳар қандай зарар ва хавфлари учун жавобгар эмас.

4.7. Банк картаси орқали суғурта мукофотини тўлаш тўғридан-тўғри Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи - карта эгаси томонидан амалга оширилиши керак. Суғурта қилдирувчи тўловни амалга ошириш учун банк картасини бошқа шахсга топширган тақдирда, Суғурта қилдирувчи унга боғлиқ барча хавфларни ўз зиммасига олади ва бу ҳолда суғурта мукофотини тўлаш Суғурта қилдирувчи томонидан амалга оширилганлигига розилик билдиради.

4.8. Суғурталовчининг ахборот тизимидаги “Суғурта мукофотини тўлаш ва суғурта полисини расмийлаштириш” тугмачасини босиш билан, шунингдек шаклланган суғурта мукофотини тўлаш орқали Оферта юборилган шахс Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодексининг 370-моддасига мувофиқ ушбу Оферта шартларига розилик билдиради.

V. Суғурта шартномасини тузиш ва расмийлаштириш тартиби.

5.1. Ушбу Оферта Суғурталовчи томонидан Суғурта қилдирувчига сотув ва суғурта хизматларини кўрсатиш шартларини белгилайдиган электрон ҳужжатдир;

5.2. Суғурта Шартномаси (суғурта полиси) Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда тақдим этган маълумотлари асосида шакллантирилади;

5.3. Суғурта қилдирувчи электрон аризанинг талаб қилинган майдонларини мустақил равишда ва аризада кўрсатилган ҳужжатларнинг аслига мувофиқ равишда тўлдиради;

5.4. Суғурта қилдирувчи аризадаги ҳужжатларнинг аслига тўғри ва бир хиллиги учун жавобгарликни ўз зиммасига олади, шунингдек, аризадаги ҳужжатлар уларнинг асл нусхаларига тўғри келмаса, суғурта ҳодисаси содир бўлганда, Суғурталовчи суғурта товонини тўлашдан бош тортишга ҳақли эканлигига розилик билдиради;

5.5. Аризада кўрсатилган ва унга киритилган ҳужжатларнинг маълумотлари автоматик равишда суғурта Шартномаси (суғурта полиси)га киритилади;

5.6. Офертада таклиф қилинган суғурта шартлари билан рози бўлса, Суғурта қилдирувчи Суғурталовчининг ахборот тизимида ўз розилигини тасдиқлайди ва суғурта Шартномасини тузиш тўғрисидаги Аризани (кейинги ўринларда Ариза) онлайн режимда Суғурталовчининг ахборот тизимларидан фойдаланиш орқали тўлдиришга ўтади;

5.7. Аризани тўлдиришда суғурта ҳодисасининг содир бўлиш эҳтимоли ва унинг содир бўлишидан кўрилиши мумкин бўлган зарар миқдори (суғурта хавфи)ни аниқлаш учун Суғурталовчи учун аҳамиятли ва зарур бўлган барча маълумотларни кўрсатиш талаб қилинади. Барча маълумотлар ҳужжатларнинг асл нусхаларига қатъий мувофиқ равишда кўрсатилиши шарт;

5.8. Ариза тўлдирилганидан сўнг, Суғурталовчининг ахборот тизими томонидан автоматик равишда “Суғурта мукофотини тўлаш ва суғурта полисини расмийлаштириш” тугмачаси очилади;

5.9. Суғурта Шартномасининг томонлари Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта полиси олинганлиги суғурта Шартномаси (суғурта полиси)ни тегишли тарзда имзолаш деб ҳисобланишини тасдиқлайдилар;

5.10. Ушбу Офертани қабул қилиш ва суғурта Шартномасини тузиш санаси Суғурталовчининг ахборот тизими томонидан Суғурта қилдирувчининг суғурта мукофотини тўлаганлиги тасдиқланган сана ҳисобланади;

5.11. Суғурталовчининг мажбуриятлари (суғуртанинг бошланиши) суғурта мукофоти тўланганидан сўнг кучга киради ва тўланган давр учун амал қилади.

VI. Суғурта шартномасининг тугаши ва муддатидан илгари бекор қилиниши.

6.1. Суғурта шартномаси қуйидаги ҳолларда тугайди:

6.1.1. Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати тугаганда;

6.1.2. Суғурталовчи суғурта шартномасида белгиланган суғурта пули миқдоридаги суғурта таъминотини тўлаш мажбуриятини бажарганда;

6.1.3. Суғурта қилдирувчи Суғурталовчига суғурта шартномасида белгиланган муддат ва миқдорда суғурта мукофотини тўламаганда;

6.1.4. Жисмоний шахс бўлган Суғурта қилдирувчи қонунчиликда белгиланган тартибда ҳуқуқий муомалага лаёқатсиз ёки ҳуқуқий муомалага лаёқати чеклаб қўйилган деб топилганда;

6.1.5. Суғурталовчи қонунда белгиланган тартиб ва қоидалар бўйича тугатилганда;

6.1.6. Суд қарорига кўра суғурта шартномаси ҳақиқий эмас деб тан олинганда;

6.1.7. Агар суғурта шартномаси/полисида битта Суғурталанган шахс назарда тутилган бўлса, мазкур Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс суғурта ҳодисасидан ташқари бошқа ҳолатларда вафот этган бўлса.

6.2. Томонлардан бири суғурта шартномасини бекор қилиш ташаббуси билан чиқса, бу тўғрисида иккинчи томонни 30 (ўттиз) кун аввал ёзма равишда хабардор қилиши шарт.

6.3. Суғурта қилдирувчининг суғурта шартномаси шартларини бажармаганлиги сабабли Суғурталовчининг ташаббуси билан суғурта шартномаси муддатидан илгари бекор қилинса, суғурта мукофоти қайтарилмайди.

6.4. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида кўзда тутилган бошқа ҳолатларда.

6.5. Суғурта шартномасини тузиш вақтида Суғурта қилдирувчининг қилаётган ишини аҳамиятига тушунмаганлиги ёхуд унинг фуқоролик лаёқати бўлмаганлиги ёки чекланганлиги кейинчалик, суғурта даврида маълум бўлса, суғурта шартномаси тузилган вақтдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

VII. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

7.1. Суғурта қилдирувчининг ҳуқуқлари:

7.1.1. Суғуртага тегишли бўлган масалалар бўйича Суғурталовчидан шартнома амал қилиш муддати ичида тегишли маслаҳат ва кўрсатмалар олиш;

7.1.2. Суғурталовчини огоҳлантирган ҳолда суғурта шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш;

7.1.3. Суғурта таъминотини олиш учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида бошқа шахсга ишончнома бериш;

7.2. Суғурта қилдирувчининг мажбуриятлари:

7.2.1. Суғурта шартномасини тузиш пайтида аризада Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс тўғрисида тўлиқ ва тўғри маълумот бериш;

7.2.2. Суғурта ҳодисаси рўй берган ҳолда барча керакли ҳужжатларни жамлаш ва суғурта шартномасида/полисида кўрсатилган вақт ичида Суғурталовчига ариза билан мурожаат қилиш.

7.3. Суғурталовчининг ҳуқуқлари:

7.3.1. Суғурта шартномасини тузишда Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек, Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта шартномаси шартлари бажарилишини текшириш;

7.3.2. Суғурта ҳодисаси рўй берган ҳолда, Суғурталанган шахсни тиббий кўриқдан ўтказиш учун юбориш ва мутасадди ташкилотлардан ушбу ҳодисага тегишли бўлган маълумотларни олиш;

7.3.3. Суғурта ҳодисаси билан боғлиқ бўлган тўлиқ ҳужжатлар, шунингдек ушбу ҳолат бўйича жиноий иш қўзғатилган ҳолда, мутасадди ташкилотларнинг қарори тақдим этилгунга қадар суғурта таъминоти масаласини кечиктириш.

7.4. Суғурталовчининг мажбуриятлари:

7.4.1. Суғурта қилдирувчини/Суғурталанган шахсни суғурталаш шартлари билан таништириш;

7.4.2. Суғурта шартномасида белгиланган муддатда Суғурта қилдирувчига суғурта полисини тақдим этиш;

7.4.3. Суғурта полиси йўқотилган ҳолда Суғурта қилдирувчининг/Суғурталанган шахсининг ёзма аризасига асосан унинг дубликатини Суғурта қилдирувчига/Суғурталанган шахсга бериш;

7.4.4. Суғурта ҳодисаси бўйича барча ҳужжатлар жамлангач, ушбу Қоидалар талабига биноан белгиланган тартибда суғурта таъминотини тўлаш.

VIII. Суғурта таъминотини тўлаш тартиби ва шартлари.

8.1. Суғурталанган шахс (Фуқаро) билан Ўзбекистон Республикаси дам олиш масканлари ҳудудида юз берган суғурта ҳодисаси натижасида умумий меҳнат қобилиятини тўлиқ (100 фоиз) доимий йўқотган ва/ёки вафот этган тақдирда суғурта пули миқдорида тўланади, умумий меҳнат қобилиятини қисман доимий йўқотганда ва/ёки жароҳат олган тақдирда эса Суғурталовчи томонидан тасдиқланган «Суғурта ҳодисалари муносабати билан тўланиши лозим бўлган суғурта пули миқдорини аниқлаш жадвали»га асосан суғурта пулига нисбатан

белгиланган фоиз ҳажмида Суғурталанган шахсга (Фуқарога) (Суғурталанган шахс (Фуқаро) вафот этган тақдирда Наф олувчига) суғурта пули миқдорида тўланади.

8.2. Суғурталанган шахс (Саёҳатчи) муомала лаёқатига эга бўлгандан сўнг 30 (ўттиз) иш кунда ёзма ариза ва талаб этилган ҳужжатларни тақдим этиши зарур.

8.3. Суғурта ҳодисаси юз берганда Суғурта қилдирувчи/Суғурталанган шахс суғурта таъминотини олиш учун Суғурталовчига қуйидаги ҳужжатларнинг нусхасини тақдим этиши шарт:

- а) ариза;
- б) шахсини тасдиқловчи ҳужжат;
- в) суғурта полиси;
- г) бахтсиз ҳодисани тасдиқловчи ҳужжатлар;

д) даволаш-профилактика муассасасининг бахтсиз ҳодиса натижасида беморни даволаш бўйича стационар ёки амбулатор тиббий картасидан кўчирма. Лозим бўлган ҳолда Суғурталовчи, суғурта таъминоти тўлаш масаласини ҳал қилиш учун, керак бўлган бошқа ҳужжатларни талаб қилиш ҳуқуқига эга;

Агар Суғурталанган шахснинг (Саёҳатчининг) бахтсиз ҳодиса натижасида кўриш, эшитиш, сийдик-жинсий органлари жароҳат олган бўлса, у Суғурталовчи томонидан жароҳат оқибатларини аниқлаш мақсадида шифокор кўригига юборилиши мумкин.

8.4. Суғурталанган шахснинг (Саёҳатчининг) суғурта шартномаси/полиси амалда бўлган даврда бахтсиз ҳодиса натижасида вафот этиши муносабати билан суғурта таъминотини олиш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши шарт:

а) Наф олувчи шахс томонидан - суғурта шартномаси/полиси, белгиланган шаклдаги ариза, ўз шахсини тасдиқловчи ҳужжат (фуқаролик паспорти), Суғурталанган шахснинг (Саёҳатчининг) вафоти тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

б) Суғурталанган шахснинг (Саёҳатчининг) ворислари томонидан (агар суғурта полисида Наф олувчи кўрсатилмаган бўлса) - суғурта полиси, ариза, Суғурталанган шахснинг (Саёҳатчининг) вафоти тўғрисидаги нотариал тасдиқланган гувоҳнома нусхаси, ворисликни тасдиқловчи (меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги) гувоҳнома ва ҳар бир вориснинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат.

8.5. Суғурталовчининг суғурта товонини тўлашни рад этиш тўғрисидаги ёки уни тўлаш ҳақидаги қарори суғурта қилдирувчига у суғурта товони тўлаш тўғрисида ёзма мурожаат этганидан кейин ўн беш иш кундан кечиктирмай хабар қилиниши керак ва товон тўлаш рад этилганда, қарорда рад этишнинг асослантирилган сабаблари кўрсатилиши лозим.

8.6. Суғурта қилдирувчи/Наф олувчининг зарар келтирган шахсга бўлган даъво ҳуқуқи суғурта товонини тўлаган Суғурталовчига у тўлаган пул доирасида ўтади.

8.7. Агар Суғурта қилдирувчи/Наф олувчи зарар учун жавобгар шахсга бўлган Суғурталовчи томонидан қопланган зарар учун даъво ҳуқуқидан воз кечса ёки унинг айби туфайли даъво қилишнинг иложи бўлмаса, Суғурталовчи суғурта товонини бутунлай ёки тегишли қисмини тўламаслик ва тўланган суғурта товонининг ортиқча қисми қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

8.8. Суғурта таъминотини тўлаш Суғурталовчининг суғурта таъминотини тўлаш тўғрисидаги қарори қабул қилинган кундан эътиборан беш иш кун мобайнида амалга оширилади.

8.9. Суғурталовчи суғурта таъминоти(пули)ни тўлашни рад этганда Суғурта қилдирувчи (Суғурталанган шахс(Саёҳатчи)/Наф олувчи) унга нисбатан судда даъво кўзғатиш йўли билан эътироз билдириши мумкин.

IX. Томонларнинг жавобгарлиги.

9.1. Олган мажбуриятларини бажармаганликлари ёки қониқарсиз бажарганликлари учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига кўра жавобгарликка тортиладилар.

X. Форс-мажор.

10.1. Форс-мажор ҳолатида томонлар суғурта шартномаси бўйича ўзларига олган мажбуриятларини қисман ёки тўлиқ бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар.

10.2. Суғурта шартномасини бажарилишига бевосита таъсир этган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва ушбу шароитда кўзда тутилмаган табиат ҳодисалари (зилзила, ер силжиши, бўрон, қурғоқчилик ва суғурта шартномасида кўзда тутилмаган бошқа табиий офатлар) ёки ижтимоий –иқтисодий ҳолатлар (ҳарбий ҳаракатлар, иш ташлашлар, давлатлараро ва давлат идораларининг чекловчи ва тақиқловчи чоралари, шунингдек ҳукумат қарорлари ва ҳоказолар) форс-мажор ҳолатига киради.

10.3. Форс-мажор ҳолатлари бошланганда ва тугаганда бу ҳақида томонлар бир-бирларини ёзма равишда хабардор қиладилар.

10.4. Агар форс-мажор ҳолатлари бошланса, томонларнинг мажбуриятларини бажариш муддати форс-мажор ҳолати тугагандан сўнг давом эттирилади.

XI. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

11.1. Ушбу Қоидалар асосида амалга ошириладиган суғурта бўйича келиб чиқадиган барча низолар томонларнинг келишуви асосида, мақсадга эришилмаган ҳолда эса Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан белгиланган тартибда ҳал этилади.

11.2. Мазкур Қоидаларда қайд этилмаган ҳолатлар бўйича томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига асосланадилар.

XII. Бошқа шартлар.

12.1. Суғурта шартномасида ва ушбу Қоидаларда келтирилмаган барча ҳолатларни ҳал этиш учун томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига таянадилар.

12.2. Суғурта шартномасига киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар томонларнинг келишувига асосан ёзма равишда амалга оширилади.